



ФУНКЦИОНАЛ УСЛУБНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛЛАР ВА ИЛМИЙ УСЛУБНИНГ ЛИСОНИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Очилова Нилуфар Номозовна,

Самарқанд ветеринария медицинаси институти ўқитувчиси

Калим сўзлар: функционал услуб, илмий матн, квандатив ёндашув, квалитатив ёндашув, коммуникация муҳити.

Стилистика алоҳида фан соҳаси сифатида шакллана бошлаганидан буён олимлар услуб тушунчасининг моҳиятини аниқлаш билан машғулдирлар. Соҳага оид ишларда услубнинг турли муаллифлар томонидан билдирилган таъриф ва тавсифлари мавжудлиги қайд этилган (Crystal, Davy 1969:9-12). Таърифларнинг бу қадар турли– туман бўлишининг сабаби тадқиқотчилар ушбу ҳодисани қайси нуқтаи–назардан талқин қилишига боғлиқлиги аён. Тилшунослик ва адабиётшуносликнинг турли йўналишларида ҳукмрон бўлган тамойил ва назарий ғоялар услубшуносликни ҳам ўзи томонига оғдириши турган гап. Жумладан, услуб структурализм доирасида формал кўриниш олиши кутилган ҳол (Fowler 1975). Баъзан, стилистикани риторикага тенглаштириш ҳолатлари ҳам учрайди. Лекин, фикримизча, услубни матн ёки нутқнинг “коннотатив қисми ёки “безаги” сифатида қараш ҳақиқатга мос келмайди. Худди шунингдек, риторикани матн яратилиши жараёни билан машғул йўналиш, стилистиканинг объекти эса матнни тушуниш амалларини ўрганишдан иборат, деб талқин қилиниши (масалан, қаранг: Fahnestock 2005:219) ҳеч кимни қониқтирмаса керак.

Ҳозирги пайтда стилистиканинг кўп қамровли фан эканлиги, унинг доирасида дискурсив фаолиятнинг ижтимоий, психологик, когнитив, прагматик аспектлари бир хилда ўрганилмоқда (Verdonk 2002; Ashurova, Galieva 2013).

Замонавий лингвостилистиканинг асосий вазифаларидан бири “нутқий мулоқотнинг алоҳида соҳаларига хос равишда шаклланган вазифалар мўлжалига

эга бўлган матнлар услубий тузилишини ўрганишдир” (Гальперин 1980:5). Турли коммуникатив шароитда бажариладиган вазифалар ҳамда мулоқот мақсадини воқелантириш учун хизмат қиладиган тил воситалари ҳам нолисоний омилларнинг вазифавий таҳлили функционал статистиканинг объекти ҳисобланади.

Функционал услуб тил жамоасининг онгли фаолияти натижасидир, зеро, жамоа олдида инсон фаолиятининг турли соҳаларига мос келадиган даражада тилдан фойдаланиш зарурати туғилиши табиий ҳолдир. Ҳар қандай функционал услуб, узоқ давр давомида адабий тил меъёрлари замирида шаклланиб бориши туфайли, қабтий тизимга эга.

Функционал усуллар, тил умумий тизимининг алоҳида кўринишларда намоён бўлиши намунаси сифатида, турли мундарижага эга бўлиши кузатилади. Тилшунослар функционал услуб вариантларини фарқлаш ва таснифлаш масаласида бир тўхтама келмаган бўлсалар-да, аммо, мазкур коммуникатив тизимларни ажратиш мезонлари борасида билдирилаётган фикрлар асосан ўзаро яқиндир. Жумладан, бундай ҳамфикрликни қуйидаги ҳолатларда кузатамиз: у ёки бу услуб таҳлилида унинг лисоний кўрсаткичларини у мавжуд бўлган муҳитга хос экстралингвистик шароит ёки омиллар билан уйғунликда ўрганиш зарурлиги; функционал услубларни фарқлашда коммуникатив фаолият қандай мақсадга йўналтирилганини инобатга олиш; нутқий ҳаракат аниқ мўлжалга эга эканлиги ва қолиплаштирилган (стереотип) лисоний ҳодисалар пайдо бўлишининг ўзаро



боғлиқлиги; функционал услуб тушунчасининг матн ва жанр ҳодисаларига муносабати кабилар.

И.В. Арнольд бадиий, оғзаки нутқ, нотиклик санъати, публицистик, расмий мулоқот ва илмий функционал услубларни фарқлайди (Арнольд 1990). И.Р.Гальперин услубий кўрсаткичларни фақат ёзма матнларга хос деб ҳисоблаб, оғзаки сўзлашув нутқини таснифдан четда қолдиради. Бизнинг кузатишимизча, оғзаки нутқнинг хусусиятлари услубий ўзига хос бўлиб, уларни эътиборга олмасликнинг иложи йўқ. Эътиборни экстралингвистик кўрсаткичларга қаратиш натижасида ижтимоий фаолият шакллари олдинги ўринга ўтади ҳамда тилнинг намоён бўлиш шакллари акс эттирувчи оғзаки ва ёзма нутқ услублари ҳамда монологик ва диалогик нутқ услублари ўзаро фарқланади (Мороховский 1991: 238). “Француз тили стилистикаси” асарида қайд этилишича, услуб учта асосий кўрсаткичга эга: эмоционаллик, меъёрийлик, сноптанлик (Долинин 1987: 109-110).

Машҳур услубшунос ўринли таъкидлаганидек, функционал услубнинг шаклланишини фақат экстралингвистик хусусиятли омилларга тақаб қўйиш нотўғри, зотан “у ёки бу услубнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш лозим бўлганида тилнинг ички қонуниятлари, яъни лисоний ифода воситаларининг қўлланиш меъёрлари етакчи ролни ўтайди” (Винокур 1968:6). Услубнинг “меҳнат қуроли” тилнинг турли қатламларига оид бирликлар бўлгани боис, ушбу бирликларнинг синтагматик ва ассоциатив алоқаларида намоён бўладиган хусусиятлари стилистик кўрсаткичларга айланади (Лутфуллаева 2017: 64). Худди шу мазмундаги фикр ўз пайтида М.Риффатер томонидан билдирилган эди: “Stylistic facts can be apprehended only in language, since that is their vehicle; on the other hand, they must have a specific character, since otherwise they could not be distinguished from linguistic facts” (Riffatierre 1960: 233).

Бошқа макротизимлар қаторида илмий услубнинг ўзига хос ва мос ўринга эга эканлигига ҳеч қандай гумон йўқ. А.Н.Васильева макростилларни ажратишнинг асосий мезони сифатида услубни ҳосил қилувчи факторларни фарқлаш лозимлигини таъкидлайди ва уларни, энг аввало, нолисоний ҳамда нутқий мундарижага эга эканлигини кўрсатиб ўтади (Васильева 1986: 3). Олима экстралингвистик омиллар қаторига, жумладан, қўйидагиларни киритади: илмий билимни шакллантириш, узатиш, сақлаш ва идрок этиш шароити; назарий тафаккурнинг кечиши; янги билимни тежамқорона воқелантириш; янгиликни оқилона изоҳлаш.

Ушбу муҳитда адресант янги билимни мазмунли тарзда узатувчи мавҳумлаштирилган шахс ролини ўтаса, адресат ҳам типиклаштирилган шахс, аммо, у маълум бир соҳа вакили сифатида шу мутахассисликка оид билимга эга ёки уни эгалламоқчи. Демак, илмий мулоқот мавҳумлашган замон ва маконда содир бўлиши мумкин, у ҳолда ёзма матн устувор.

Илмий услуб шаклини таъминловчи омиллар сифатида қўйидагилар санаб ўтилади: ахборотнинг объектив бўлиши: фактлар баёнида аниқликка риоя қилиш; ахборотнинг умумлаштирилган ва аналитик хусусияти; мулоҳазаларнинг баҳсга чақирадиган, ташқи отли қисмларида эмоционал ва субъектив-баҳо элементларининг пайдо бўлиши; ақлий руҳий экспрессивликнинг фаоллашуви (билдирилаётган фикрнинг қийматини ошириш мақсадида) кабилар (Васильева 1986: 7).

Шунинг билан биргаликда, функционал услубларни нутқий мулоқотнинг алоҳида тизимлари мақомида ажратишга барча тадқиқотчиларни бир хилда ҳамфикр, дейиш муаммо. Хусусан, В.И.Шаховский функционал услуб тушунчасига берилаётган тавсифлар қониқарсиз ва тушунарсиз, деб ҳисоблайди (Шаховский 1998:8). Яна бир волгоградлик олим В.И. Карасик “функционал услуб” термини ўрнига “курс формати”



атамасини ишлатиш маслаҳатини беради. Кейинги термин воситасида мулоқотдошлар ўртасидаги масофа, сўзловчининг ўз фикрини ифодалаш усули, ижтимоий ҳолат, мулоқот жанри ва бошқа кўрсаткичларга нисбатан фаркланадиган дискурс тури номланади (Карасик 1998: 192).

Матнларни уларнинг яратилиш ва қўлланиш ҳудудига нисбатан тизимлаш ва таснифлашни режалаштираётиб, ушбу муаммони охиригача, батамом ечишнинг имкони чегараланганлигини унутмаслик керак. Турли коммуникация муҳитларида амалда бўлган матнларнинг тузилиш тамойиллари ҳаракатчан ва беқарор. Шундай бўлса-да, ўрганилаётган объектларни тизимлаштириш илмий тадқиқ учун зарурат эканлиги маълум.

Функционал услуб тадқиқи даставвал квалитатив–квантатив ҳарактерга эга бўлиши керак. Сифат ёндашуви амалиётида нутқий тузилма прагматик мезонлар / (мулоқот вазияти, коммуникатив мақсад, мазмун, жанр кабилар) нуқтаи назаридан ўрганилиши билан бир қаторда, суҳбатдошларнинг ўзаро муносабати кабиларни ҳам инobatга олишни талаб қилади.

Квантатив ёндашув татбиқи бевосита услубга тааллуқли бўлмасдан, балки ушбу услуб намуналари–матнлар таҳлилига оиддир. Сон кўрсаткичларига таянган ҳолда маълум услубга хос бўлган лисоний ҳодисаларни аниқлаштириш, таснифлаш ҳамда шу аснода айтилаётган мулоҳазаларни иботлаш мумкин (Цвиллинг 1986: 8).

Функционал услублар тадқиқининг маҳсулдор йўналишларидан бири уларни қиёслаш асосида ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлашдир. Бундай йўналишда бажарилган ишларнинг кўпчилигида бадий ва илмий стиллар қарама–қарши қўйилади. Образлилик / образлиликнинг аниқ ифода топмаслиги, эмоционаллик / мантиқийлик, креативлик / қолипчилик, стереотиплик каби сифат белгиларининг бири иккинчисини инкор қилиши иккита услубни қабъий чегаралашга асос бўлди. Шунингдек, бу

икки услуб доирасида лисоний белгиларнинг қўлланиш характери ва муносабати ҳам фарқланди. Ҳатто, баъзи тадқиқотчилар илмий матннинг асосий фарқли жиҳатлари тил бирликлари танловидаги эркинликнинг чегараланганлиги, образлилик ва экспрессивликнинг йўқлиги, янги нутқий воситаларнинг қарийб қўлланмаслиги, аллегория, аллюзия кабилардан мосуво нутқий ифода воситаларига мурожаат қилишдан иборат эканлигини тинимсиз уқтирмакчи бўлдилар (қаранг: Разинкина 1989: 13).

Мазкур муаммо муҳокамасининг кейинги босқичларида бадий ва бошқа услубларга оид матнларнинг ҳар томонлама қиёсий ўрганилиши оқибатида (бундай қиёсга бошқа услублар ҳам жалб қилинди) тилшунослар мазкур функционал стилларнинг ўхшаш томонларига ҳам эътибор қарата бошладилар. Натижада, тадқиқотчилар “илмий стиль эмоционал ва образли бўёкка ҳам эга бўлади. Бу стилнинг аниқ ва равшан бўлишини унинг образли ва эмоционаллигини қарама–қарши қўйиш тўғри эмас”лигини (Шомақсудов ва бошқ. 1983:24) тўлиқ ишонч ила таъкидлашгача етиб келдилар. Бундан ташқари, функционал услубларнинг табиатан яқинлиги, баъзан қоришиқ ҳолатлар ҳам мавжудлиги ўз исботини топди. Шу боис, ҳозирги пайтда стиллар ўзаро ҳамкорлиги, интеграциялашуви масаласи узлуксиз муҳокама қилинмоқда, илмий–эпистоляр жанр намуналари бўлган эссе, кундалик, **хатлар** каби функционал услублар кесишувида юзага келган оралик жанрларни ўрганишга аҳамият қаратилмоқда.

Илмий адабиётлар стилининг турлича аталиши (илм–фан тили, илмий асар услуби, илмий мулоқот тили, илмий услуб, интеллектуал нутқ тили, илмий баён услуби каби терминлар синонимик муносабатга эга) ҳамда ушбу ҳодисанинг тил тизими функционал услублари қаторига жойлаштириш масаласидаги тортишувларга қарамасдан, мазкур услубнинг алоҳида мақомга эга эканлиги



ва ўзига хос сифат–сон белгилари билан бошқа функционал услублардан фарқ қилиши барча тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган ҳақиқатдир. Бироқ, илмий матнлар илму фаннинг анъанавий равишда таққосланиб келинаётган икки йўналиши, яъни, бир томондан, табиий, аниқ ва техник фанларга, иккинчи томондан, гуманитар–ижтимоий фанларга тегишли бўлиши маълум даражадаги фарқлар юзага келишига сабаб туғдиради. Бундай чегараланиш, айти пайтда, шартли эканлиги ҳам сезилади, чунки улар ўртасида оралик шакллар мавжуддир. Бу, айниқса, ижтимоий–гуманитар мавзудаги матнларда математик метод ва моделларга мурожаат қилинганида ёки табиий фанлар соҳасидаги матнлар методологик қиёфа олганида яққол кўзга ташланади.

Маълумки, фан предметнинг онтологик табиатини аниқлашга интилади ва табиат инсоннинг хиссиётлари, истакларидан ташқи объектив ҳолатда мавжуд. Айнан шу сабаб, илмий ишнинг мундарижасида баённинг мантикий изчиллиги, мантикий идрок ва фикрнинг объективлиги етакчилик қилади. Шунинг билан биргаликда кўпчилик муаллифлар баёнда экспрессивликнинг мазмун ифодасидаги ролини инкор этмайдилар. Н.М. Кожинанинг таъбирича, илмий услубнинг энг ёрқин хусусияти фикрнинг умумлаштирилган ва мантикий

изчилликда баён қилинишидир (чунки илмий тафаккурнинг ўзи мавҳумлаштириш йўлидан боради). Ушбу хусусиятлар, ўз навбатида, “иккиламчи фарқловчи хусусиятларни” юзага келтиради ва илмий услубнинг ўзига хослигини белгилайди. Илмий нутқ учун мазмундаги аниқлик, объективлик ва ифода планидаги изчиллик кабилар ҳам, қанчалик даражада типик бўлишмасин, бари бир бирламчи хусусият эмас. Уларнинг мавжудлиги “ўзига хос экспрессивлик, баҳолаш, ҳатто маълум даражадаги эмоционалликни инкор этмайди. Мазкур хусусиятларнинг намоён бўлиш даражаси мулоқот жанри, мавзуси, шакли вазияти ҳамда муаллиф индивидуаллиги каби омиллар билан боғлиқ” (Кожина 1993: 162).

Хуллас, инсонлар ўртасидаги мулоқотнинг турли кўриниш, мундарижада кечиши тил умумий тузилишида шу мулоқот турларига хосланган тагтизимлар шаклланиши ва ривожланишини тақозо этади. Илмий мулоқот қандай тусда кечишидан қайтий назар бир хил тамойилларга амал қилиниши сабабли уларнинг экстралингвистик хусусиятлари ҳам бир хилда таъсир қилиши мумкин. Демак, барча тиллар тизимида илмий мулоқотда қўлланишга мўлжалланган стилистик бўёққа эга воситалар гуруҳлари ажралади.

Адабиётлар:

1. Ashurova D., Galiyeva M.R. Stylistics of Literary Text. – Т.: Milliy kutubxona nashriyoti. 2013/ 204 p.
2. Crystal D, Davy D. Investigating English Style. – London: Longman, 1969.
3. Fahnestock J. Rhetorical Stylistics // Language and Literature, 2005. Vol. 14 (1). – P.215-230.
4. Fowler R. Style and Structure in Literature. – Oxford: Blackwell, 1975.
5. Galperin I.R. Stylistics. – М.: Higher School, 1977.
6. Rifatterre M. Stylistic Context // Word, 1960. vol. 16. – P. 207-218.
7. Verdonk F. Stylistics. – Oxford: Oxford University Press, 2002.
8. Арнольд И.В. Стилистика английского языка. – Л.: Просвещение, 1990.
9. Болотнова Н.С. Коммуникативная стилистика текста. Словарь – Тезаурус. – М.: Наука, 2009.
10. Васильева А.Н. О целостном комплексе стили определяющих факторов на уровне макростилей // Функциональная стилистика: теория стилей и их языковая реализация. – Пермь. 1986. – 168 с.



11. Винокур Т.Г. Об изучении функциональных стилей русского языка // Развитие функциональных стилей современного русского языка. – М.: Наука, 1968. – С. 3-11.
12. Гальперин И.Р. Проблемы лингвостилистики // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 9. Лингвостилистика. – М.: Прогресс, 1980.
13. Кожина Н.М. Стилистика русского языка. – М.: Просвещение, 1993. – 222 с.
14. Лутфуллаева Д.Э. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Т.: TERIYUS, 2003. – 140 б.
15. Мороховский А.Н. Воробьева О.В., Лихошерст Н.И., Тимошенко З.В. Стилистика английского языка. – Киев: Высшая школа, 1991. – 217 с.
16. Разинкина Н.М. Функциональная стилистика английского языка. М.: Наука, 1989. – 181 с.
17. Шаховский В.И. Интертекстуальный минимум как средство успешной коммуникации // Языковая личность: система, стиль, норма. – Волгоград: Перемена, 1998. – С. 120-121.
18. Шомақсудов А ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи 1983. – 248 б.
19. Н.Очилова. Факторы формирования функционального стиля и языковые маркеры научного стиля.

Очилова Н. Источники формирования функционального стиля и лингвистические маркеры научного стиля. В статье изучаются экстралингвистические и интралингвистические факторы формирования текста, относящегося к научному функциональному стилю.

Ochilova N. Factors of forming functional style and linguistic markers of the scientific text. The article is devoted to the study of extralinguistic and intralinguistic factors which form the functional styles. Special attention is paid to describe peculiarities of scientific style.